
ШОНЛИ МЕҲНАТЧИЛАРНИНГ ЗАВҚЛИ БАЙРАМИ



«ОҚ ОЛТИН» ТОҒИ.

- Бугун эрта билан соат 11 да Тошкент Ипподромида қўша-қўша карнай-сурнайларнинг янгроқ садоси «Пахта байрами» бошланганлигидан дарак берди.
- Ўзбекистоннинг ман-ман деган чавандозлари саф тортиб параддан ўтдилар. «Ағдариш», «Қиз қувмоқ», «Оломон пойга» мусобақалари ўтказилди.
- Чошгоҳда катта улоқ авжига чиқди. Ғолибларга 30 та қимматбаҳо мукофот берилди.
- Байрам ярмаркасида савдо бошланди. Унда 200 дан ортиқ савдо муассасаси қатнашди.
- Пойтахтимиздаги 15 та санъат даргоҳининг хушовоз хонандалари, раққосалари истеъдодларини намойиш қилишди. Пахта байрамининг биринчи кунида 20 минг томошабин қатнашди.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

16 2-йил чиқиши ДЕКАБРЬ 1967 й ШАНБА № 292 (447) БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ҲОРМАНГ ЭНДИ!

Бир камтарин ғазалхон шоирингиз бугун сизни шодиёна байрам билан муборакбод этади. Маълумки, мен ўзимнинг қанчадан-қанча ғазалларимни сиз азамат пахтакорларнинг жўшқин ғайрат ва улкан муваффақиятларингиздан илҳомланиб ёзганман ва умр боқий бўлса, бундан буён ҳам сизнинг шарафли хизматингизга доимо белим боғлиқ.

Ҳорманг энди, тўрт миллион тонналик улкан хирмонни қойил қилиб бунёд этган баҳодир пахтакорларим! Пахта байрамингиз муборак бўлсин! Бахту-иқболларингиз ҳамиша бобо қуёшдек кулиб тураверсин!

ҲАБИБИЙ.

БАРИ СИЗНИКИ

Дилингизда қайнар орзу-ўйингиз,
Кутлуғ бўлсин, дўстлар, пахта тўйингиз,
Асқар тоғдан ошди бугун куйингиз,
Тошкент ичра сара жойлар сизники!

Ким билмайди ботирларнинг хилини,
Ким севмайди Ўзбекистон элини,
Роҳат қилиб, ҳидланг Тошкент гулини,
Ана боғлар, ана гуллар сизники!

Ўн ой меҳнат роҳатини кўрасиз,
Пахтакорсиз, шундай даврон сурасиз,
Бу шаҳарда ўйнаб-кулиб юрасиз,
Ана йўллар, ана уйлар сизники!

Янги бўлган экан Санъат саройи,
Шаҳарга ҳўб ярашибди чиройи,
Томошалар кўринг шунда кироли,
Театру, концерт жойлар сизники!

Баҳодирлар етдингиз сиз мурода,
Давлатингиз бўлсин бундан зиёда,
Қўшиғингиз куйлай, борман дунёда,
Шўх дўмбирам, достонларим сизники!

ЧОРИ ШОИР,
Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.
Ёзиб олувчи У. Юсупов.

ОФАРИН!

Аввало республикамиз пахтакорлари, неча-кундуз тиним билмай тер тўкиб, дур етказган ажойиб меҳнаткашларни академиямиздаги барча олимлар номидан сидқидилдан табриклайман!

Осмон ўпар хирмонлар етиштиришда агротехника қоидаларига риоя қилиб комплекс механизациядан самарали фойдаланилди. Деман бугунги байрам биз олимлар онласига ҳам тегишли. Колхоз, совхоз хўжалиги ишларини осонлаштиришда тегишли ҳисса қўшган, деҳқонлар юмушини осонлаштирган конструкторларимиз билан фахрланамиз!

Улкан байрамингиз қутлуғ бўлсин, қимматли ўртоқлар!

О. СОДИҚОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, президент.

ТАСАННО!

Юбилей йилида 4 миллион тонналик «оқ олтин» тоғларини бунёд этган бобо деҳқонларимиз шаънига бугунги кунда ҳар қанча илиқ гапларни айтсак, шунча оз! Ҳа, ҳиммати баланд дала меҳнаткашлари ўз ваъдаларини шараф билан бажариб, «Пахта байрами»га ёруғ юз билан келдилар. Бу фақат пахтакорларнинггина эмас, балки ҳаммамизнинг дилларимизга олам-олам қувонч бағишлаяпти!

Биз ишчилар ҳам юбилей йилида ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларга эришмоқдамиз. Ишчилар билан деҳқонларнинг ўзаро ҳамдўстлиги, зиммадаги топшириқларини ошириб адо этиши, мамлакатимизда коммунизм қурилишини тезлаштиришда муҳим омил бўляпти. Биз ана шу билан фахрланамиз!

«Пахта байрами» кунида ўзбек пахтакорларига тасаннолар бўлсин, деб айтамиз.

Ж. РОЗИҚОВ,
«Ташкенткабель» заводининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ТИНГЛА, БОБО ДЕҲҚОН!

Бугун тонг саҳардан Тошкент устида ярақлаган ёмғирнинг биллур томчиларида карнай-сурнайларнинг тантанавор навоси, ноғораларнинг шодон таратуми парвоз этди. Бугун беқасам тўнининг устидан шоҳи белбоғ боғлаган бобо деҳқон саховатли кўкрагини баланд тутиб, шаҳрим кўчаларида сайр қилиб юрибди.

Меҳнатда тоқ зангидай чайир тортган қўлларинг билан ҳар бир хонадон эшигини очиб кирсанг, ҳар бир шаҳарлик уйида азиз меҳмон бўлсанг арзийди, бобо деҳқон! Меҳнатнаш, заҳматнаш пахтакор, бугун—сенинг кунинг! Бугун сенинг байраминг! Офтобдай бедор, нурдай пониза меҳнатингни нимага қиёс қилай? Ахир сенинг ҳар бир кунинг—ўзи бир достон-ку! Мана, ўша 365 кунингнинг биттаси.

САҲАР, СОАТ 5. Ҳали хўрозларнинг мудроқ қийқириғи лғрамасдан туриб, ҳали қуёш киприк қоқмасдан туриб, момо деҳқон ўзининг иссиқ ўрнини тарк этади. Оғилда безовта пишқираётган сигир ҳам, қопқора оғзини ланг очиб, нон ёпишни кутиб турган тандир ҳам, ҳали бикирлаб қайнамаган қумғон ҳам унинг кундалик ташвишлари бошланганини айтиб турадн. Сигир сағиш, нон ёпиш, бешикда йиғлаётган болани овутиш, чой қайнатиш, яна аллақанча ишлар унн қуёшдан илгарироқ уйғонишга мажбур этади...

Бедор қишлоқ тандирларида, ўчоқларида ўт ловуллайди.

Қуёш чиқиши биланоқ қишлоқ устига сукунат чўкади. Қўлидан иш келадиган ҳамма ёш-ёш қизалоқлардан тортиб, белида қуввати бор мўйсафидларгача далага йўл олади.

ЧОШГОҲ. СОАТ 2. Куз офтоби майингина жилмайиб боқади. Пахтазор ўз завқи билан, айни пайтда ўз машаққати билан нафас олди. Деҳқон белининг қақшаб оғрётганига, қўлларн ёрилиб кетганига парво қилмайди. Бу—ота касб. У эрта ҳамалдан бошлаб далага солган дурларини терб олар чоғида пахтадан бошқа ҳеч нимани ўйламасликка одатланиб қолган. Албатта, ҳар кимнинг жиндай қувончи, жиндай алами бўлади. Аммо шу чоғда у ўзининг кичик ташвишини эмас, алла нечук йирикроқ ташвишни—хирмон ташвишини ўйлайди. Деҳқон меҳнатини соч толасига расм чизган ажиб санъаткор маҳоратидан нима фарқи бор, У 5 граммлик дурдан миллионларча тонналик хирмон кўтаради!

Ҳа, бобо деҳқон билан момо деҳқон бу пайтда шахсий ғамини эмас, пахта ғамини ейди.

ОҚШОМ. СОАТ 8. Қуёш елпигичи уфқ этагида порлай-порлай, охири сўниб қолади. Пахтазор устида оқшомнинг намхуш пардаси ҳилпирай бошлайди. Дала ўртасидаги гира-шира сўқмоқ йўлдан тушдан буён терган пахтасини кўтариб олган деҳқонлар тизилишиб боради. Улар бир кундаёқ тоғдай уюлиб кетган хирмонга яна дур тўкадилар. Бу паллада шаҳар аҳли дам олади. Ленин ҳали дала заҳматкашининг иш куни тугаганн йўқ. Момо деҳқон сигирга ўт юлиши керак. Кечлик овқат тайёрлаши, боласининг кирнни ювиши, бобо деҳқон эса хирмонга бориши керак. Йўқ, иш куни ҳали давом этади.

ТУН. СОАТ 12. Момо деҳқон эндигина ишдан бўшайди. Чорпояда тизилишиб ухлаб қолган нуридийдаларидан яна бир бор хабар олади. Қўшнисиникига чиқиб, чақчақлашгуси, бир нафас лоақал телевизор кўргиси келади-ю, аммо толиққан бошини ёстиққа қўйишдан ўзга иложи қолмайди.

Бобо деҳқон бўлса бу соатда ҳали хирмонда бўлади. У тоғдек уюлиб ётган хирмон устида туриб, пахтани шиббалайди. Иши қачон тамом бўлишини ўзи ҳам билмайди. Тўрт миллион тонна ана шундай меҳнат эвазига қад кўтаради.


Тўрт миллион тонна! Агар шунча пахтани машиналарга жойлаб қатор қўйилса, Тошкентдан Шимолий қутб нуқтасигача етиб борган бўлур эди.

Меҳнатсевар пахтакор! Заҳматнаш бобо деҳқон! Меҳнатинг эвазига ҳар бир шаҳарда номингга ўнлаб олтин ҳайкал қурса арзигулик ишлар қилиб қўйибсан. Уйна, кул! Заҳматинг роҳатини кўр. Бугун—сенинг кунинг.

У. ҲОШИМОВ.



Республикамизнинг тўрт миллионли «оқ олтин» улкан хирмонини яратилишида Янгийўл районидаги Киров номли колхоз пахтакорларининг ҳам қўшган ҳиссалари бор. Мана бу суратда шу колхознинг биринчи участкасида зангори нема лар билан пахта териш пайти акс этган.



«Ташсельмаш» заводининг бош йигув цехи кон вейерларидан чиқаётган янги пахта териш машиналари.




ВИЗИТ ТУГАДИ

Узбекистонда меҳмон бўлиб турган Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Родней Арисменди ва унинг рафиқаси — Уругвай Коммунистик партияси пойтахт Комитетининг аъзоси Альфира Лагаспи де Арисменди 15 декабрда Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари В. Г. Ломоносов, Н. Г. Ляшченко, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Окунский, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов ва бошқа расмий кишилар Уругвай коммунистлари вакилларини Тошкент аэродромида кузатиб қўйишди.

(ЎзТАГ).



Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи янги пахта ҳосилидан ип-газламалар ишлаб чиқаришга киришди.

Суратда: 2 йигирув фабрикасида смена мастери М. Авдеева (чапда) ва илгор йигирувчилардан Т. Блудова ва Т. Петнова ўртоқлар янги пахта ҳосилидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИНГ АҚШ АГРЕССИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИ БИЛАН БИРДАМЛИК ҲАФТАЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ВЬЕТНАМ ЕНГИЛМАЙДИ

Тошкентдаги подшипник заводи ишчи ва хизматчилари тушки овқат танаффуси вақтида ишлаб чиқариш цехлари олдидаги кенг майдонга «Вьетнамдан қўлингни тор!», «Америка агрессорларига лаънат», «Вьетнамлик дўстлар, сизлар билан биргамиз», «Америкаликлар, Вьетнамдан жўнаб қолинг!» деган сўзлар ёзилган плакатларни кўтариб чиқдилар. Партия бюросининг секретари Л. Халилов Вьетнам халқининг кураши билан бирдамлик ҳафтасига бағишланган митингни очди. У, корхона коллективи, унинг жамоат ташкилотлари ҳақрамонона Вьетнам ватанпарварларига самимий хайрихоҳ эканликларини изҳор қиладилар, АҚШ империалистик агрессиясини қатъий қоралайдилар, деди.

— Вьетнамда ҳеч бир айби бўлмаган иншилар, хотин-қизлар, кексалар ва болаларнинг қони тўкилаётганлигига мана 7 йил бўлди, — деди созловчи Миржамол Аҳмедов. — Агрессиянинг тўхтатилишини талаб қилаётган ер куррасидаги неча юз миллионлаб соф виждонли кишиларнинг иродалари билан ҳисоблашмаган Америка империалистлари ВДРни ваҳшиёна бомбардимон қилишни давом эттирмоқда, Жанубий Вьетнамдаги ўз қўшинлари сонини кўпайтирмоқда. Биз ўз мустақиллиги учун нурашаётган Вьетнам халқи билан бирдам эканлигимизни яна бир марта изҳор қилиш ҳамда агрессорларни қилган ваҳшийликлари учун пировардида халқлар суди олдида туриб жавоб берадилар, деб огоҳлантириб қўйгани бу ерга йиғилдик.

Митингда конструктор Н. Иванова ва технолог Ю. Летучев Вьетнам халқининг мардонавор курашидан қойил қолаётганликларини, Вьетнам халқига бутун чоралар билан ёрдам кўрсатаётган Совет ҳукуматининг снёсатини тўла қувватлаяжакларини билдирдилар.

Яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда подшипник заводи коллективи Америка Қўшма Штатлари ҳукуматидан Вьетнамда ўт очишни дарҳол тўхтатиб, у ердан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиши талаб қилинади. (ЎзТАГ).



Ушбу суратда кўриб турган бу меҳнатсевар аёл шаҳримизнинг «Ц-2» кварталида бунёд этилаётган турар-жой бинолари қурилишида жонбозлик кўрсатиб ишламоқда. Москвалик гишт терувчи Александра Сергеевна Овсянникова тошкентликларга замонавий уй-жой бинолари қуриб бериш ишқида зиммадаги топшириқларни ошириб адо этяпти.

И. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТКИН фотоси.

СИФАТ УЧУН

Беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашда меҳнат унумдорлигини оширишнинг аҳамияти каттадир. Шу билан бирга маҳсулот сифати учун кураш, маҳсулотнинг чидамлилиги ва пишиқлигини ошириш шу кунниинг муҳим вазифаларидан бўлиб қолди.

Қарлар жамиятининг Куйбишев районидаги тикувчилик комбинати партия ташкилоти ўз фаолиятида ана шу масалаларга алоҳида эътибор бермоқда ва комбинат коллективини, биринчи навбатда коммунистларни техника тараққиётини ўсиши учун, беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун курашга отлантирмоқда.

Комбинат коммунистларининг таклифи билан меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Чунончи цехларга кундузги чироқлар ўрнатилди. Машиналарга махсус лапкалар қўйилди.

Илгари ҳар бир агрегатда битта включатель бўлиб, шу агрегатдаги бирорта машина ишдан чиқиб қолгудай бўлса, ҳамма машиналар бекор турар эди. Ҳар бир машинанинг алоҳида включатель билан таъминланиши эса бундай аҳволга барҳам берди.

Ишдаги камчиликларни ўз вақтида очиб ташлаш ва уни бартараф қилишда партия ташкилоти, коммунистлар ташаббускор бўлмоқдалар. Масалан, Мила Ивановна Игнатенко бошчилик қилаётган агрегат сўнгги вақтда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бу агрегатда асосан пижамалар тикиларди. Коммунистларнинг очиқ йиғилишида шу агрегат ишчиларининг ўз бурчларига муносабатни муҳокама қилинди. Айрим ишчиларнинг ўз вазифаларини совуққонлик билан бажараётганликлари очиб ташланди.

Партия ташкилотининг ташаббуси билан меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва топшириган иш учун масъулиятни ошириш юзасидан яна бир тадбир амалга оширилди. Илгари тикувчилар смена нормаларини қандай бажараётганликлари мунтазам контроль қилиб борилмас, ойлик планнинг бажарилишига қарабгина хулоса чиқариларди. Эндиликда эса смена топшириқлари қандай бажарилаётгани ҳар куни текшириб борилмоқда. Бунинг натижасида иш вақтидан унумли фойдаланилмоқда. Агрегатларнинг тўлиқ қабабларга кўра бекор туриб қолиши анча камайди. Москва ва Ленинград саноат корхоналарининг беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошлаган ташаббусига комбинатда Ҳ. Аббосова бошлиқ бригада биринчи бўлиб қўшилди. Юбилей арафасида коммунистик меҳнат коллектив деган шарафли номни олишга муваффақ бўлган бу бригада ташаббусига Людмила Колядина бошлиқ бригада ҳам қўшилди. Партия ташкилоти бу бригадаларнинг ташаббусини маъқуллаб, цехлар ва бригадалар ўртасида беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборди.

М. ЖАЛОЛИДДИНОВА.

СИНОВ

Унга бир хат тутқазишди. Мактуб Афғонистондан келган эди. Қиз хатни очиши биланоқ юзига табассум югурди. Устози ёзибди.

Мактубда Йўлчи ака Махмадуллаев шогирдининг ишлари, цехнинг ойлик планни, корхона янгиликларини сўрабди. Хатни қайта-қайта ўқиб, жуда хурсанд бўлди.

...Шу йили асосий цехнинг мастери Йўлчи ака Махмадуллаев Москва, Ленинград, Тошкентнинг йигирма уста новвойларни билан Афғонистонга йўл олди. Бу ерда улар совет мутахассисларни томонидан қурилган нон заводида афғон биродарларга новвойлик касбини ўргатишлари керак эди.

Йўлчи аканинг ўрнига кимни тайинласа бўлади! Ана шу масала цех коллективи олдида кўндаланг бўлиб турганда Сандага кшонч билдирилди.

Кўпчиликнинг таклифи билан Санда устозининг ўрнини эгаллади. Асосий цехга мастер бўлди.

Бир йил деганда Йўлчи ака Афғонистондан қайтиб келди. Санданинг ишларини кўриб қувонди. Қиз бошн билан йўқлигимни билдирмабди. Ишни дўндирибди, хаёлидан ўтказди кекса новвой Йўлчи ака шогирдидан мамнун бўлиб.

Уста новвой ўз ўрнини эгаллади. Санда эса қолоқ бригадага бошлиқ қилиб тайинланди. Партия аъзолигига кандидатликка ўтганига уч ҳафта ҳам бўлганн йўқ. Кўпчилик олдидан имтиҳонда турибди. Розн бўлди.

Дастлабки кунлари ҳар бир ишчининг меҳнатига бирма-бир разм солиб юрди. Бригада аъзоларининг фикрини билди. Қолоқлик сабабларини текширди.

«Қаловини топсанг кор ёнар» деганларидек, яширинib ётган камчиликлар очилди. Ҳамма нллат баъзи ишчиларўз вақтида олиб келмай, куйиб кетиш ҳолларн юз берган. Бу маҳсулотнинг сифатини бузган, меҳнат унумдорлигини пасайтирган.

Бригаданинг қолоқлиги корхона ишлаб чиқаётган маҳсулотларга ҳам салбий таъсир кўрсатган.

Ана шу камчиликларга барҳам берилди. Бир ой ўтмай бригада ўзини тиклаб олди. Кундалик кўрсаткичлар ҳам кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Ойлик топшириқ ортиғи билан бажарилди.

Шу орада бригада аъзолари коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун кураш бошлашди. Қилинган самарали меҳнат эвазига бригадага «Коммунистик меҳнат коллективи» номи берилди.

Ғолиблар меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари учун корхонанинг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлишди.

26 баҳорни кўрган Санда Акромова эса «Меҳнат Қизил Байроқ» орденн билан мукофотланди.

Санда Акромова бригадаси шу кунларда 1968 йил ҳисобига меҳнат қилаётир.

Улар ноябрь ойида планда кўрсатилганидан 45 тонна знёд нон ишлаб чиқардилар.

Шу кунларда беш йилликни барвақт бажариш учун бошланган социалистик мусобақа Тошкентдаги 2-нон заводи цехлари бригадалари ўртасида ҳам кундан-кунга қизиб боряпти. Бу ватанпарварлик ташаббусига қўшилган Санда Акрамова бригадаси аъзолари ҳам беш йиллик топшириқларнинг муддатидан илгари адо этиш йўлида меҳнат қилаётир.

Э. ҚОДИРОВ.

Беш йиллик илғорлари



Пойхатнинг Черданцев кўчасида қад кўтараётган кўпқаватли турар-жой бинолари шаҳар ҳусниға-ҳусн қўшяпти. Сиз ушбу суратда ана шу кўчада фойдаланиш учун топшириша тахт қилиб қўйилган янги турар-жой биноларини кўриб турибсиз.

И. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТКИН фотоси.

МАМОНТ КИШИЛАР ХИЗМАТИДА

Кишиневдаги «Виброприбор» асбобсозлик заводининг цехларидан бирида йил бўйи ишлаб чиқарилган маҳсулот сигарета қутисига сигади.

...Токарлик станогининг шпинделн айланаётн кесувчи резец бориб-келиб турибди, индикаторлардаги стрелкалар сакрашиб турибди. Маҳсулотдан эса дарак йўқ! Агар диққат билан қаралса, ҳар бир 30 секундда пластмассадан қилинган қора қутичага майда оқ заррачалар тушаётганини кўриш мумкин. Заррачаларнинг ҳажми бир қуб миллиметрдан катта эмас. Шу заррачада эса фақат микроскопдагина кўринадиган тешикчалар бор. Бу заррача галтакдир. Гальванометр ёки осциллографлар бусиз ишлай олмайди. Бу галтакка 100 метр узунлигидаги микропровод ўралади.

Кишинев заводи ана шундай микрогалтаклар тайёрлаш билан банд. Шуниси қизиқарлики ана шундай галтакларни тайёрлаш учун мамонт тишлари материал бўлиб хизмат қилади.

Михаил ВОЛНИН,
(АПН)

ЧЭТ ЭЛЛАРДА

• янгиликлар
• воқеалар
• фактлар

ҲАММА КУЛБАЛАРГА ЎҚ УЗЯПМИЗ

Американинг Акрон шаҳрида (Огайо штати) чиқаётган «Биконжорнэл» журнали Жанубий Вьетнамдаги АҚШ солдатининг хатини босиб чиқарди. Бу хат босқинчиларнинг Вьетнам ерида қилаётган даҳшатли ёвузликлари ҳақида ҳикоя қилади. Бу хатни ёзган Ланденехмнинг эътироф қилиб ёзган сўзларини келтирамиз.

«Қадрдон ойи ва дада! Бугун биз навбатдаги жангга бордик ва мен ўзим, ўртоқларим ҳамда мамлакатим ҳақида фахрланиб бирон сўз ёзолмайман...

Бугун мен билан бирга келган бир ўртоғим кулба ёнига келиб «Ла дай!» («Чиқинглар!») деб бақирди. Отишма вақтида

АМЕРИКА СОЛДАТИНИНГ ЭЪТИРОФ ҚИЛИШИ

бекиниб ётадиган ер тўладан бир чол чиқди. У нимадир гапирарди. Дўстим уни силтаб ташлади ва вьетнамликнинг бошпанасига қараб граната улоқтирди.

Граната портлагандан кейин биз ертўладан аёл киши, икки бола ва янгигина туғилган чақалоқни топдик. Болаларнинг онаси юришга ҳам мадори бўлмаган бўлса керак.

Чол шу ҳақида гапирган бўлса эҳтимол. Бошпана кичкина ва тор эди. Она ва унинг болалари бир-бирининг пинжига кириб олишган экан. Биз мурдаларни бир-биридан ажратиб ерга қатор қилиб қўйдик. Бу даҳшатли бир кўриниш эди. Болалар мурдаси титқиланиб, парча-парча бўлиб кетганди.

Бизлар бир-биримизга қараб олдикда, кулбани ёндириб юбордик. Чол юз берган воқеага ҳали ҳам ишонмай уёқ-буёққа тебраниб кулбани кул қилаётган оловга қараб турарди. Бизлар уни қолдириб жўнаб кетдик.

Дадажон, сен бу ерда нималар бўлаётганини билмоқчи эдинг. Ана энди сен буни тасаввур қилсанг керак».

(АПН).



В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети химия факультетининг анорганик химия кафедраси малакали илмий ходимлар тайёрлашда яхши натижаларга эришаётир. Бир неча йиллардан бери шу кафедрага раҳбарлик қилиб келаётган профессор Ҳаким Раҳимов талабаларн эндиликда халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали иш олиб боришяпти.

Суратда: профессор Ҳ. Раҳимов, химия фанлари кандидати доцент К. Нигай ўртоқлар аспирант Н. Аюпованинг илмий ишини кузатмоқдалар.

С. МУСАЕВ фотоси.

«Ўзбек элининг милицияси»

Кеча Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш министрлигининг мажлислар залида «Ўзбек элининг милицияси» деган янги кинофильмнинг биринчи намойиши бўлди. Бу кинофильм Ўзбекистон милициясининг хаётини ўз ичига олган бўлиб, унда милиция ходимларининг революцион романтикага бой фаолиятлари ҳикоя қилинади.

Совет милициясининг 50 йиллиги шарафига бағишланган бу фильм Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш министрлиги кинохаваскорлари томонидан суратга олинган. Сценарий автори Тошкент олий милиция мактаби ходими Марк Кержнер. Фильмни милиция бошқармаси оператив техника бўлими старший эксперти, милиция старший лейтенанти М. Горелин ва милиционер Р. Аҳмедовлар суратга олишган.

Милиция полковниги А. Л. Карасик раҳбарлигидаги кинохаваскорлар группаси бу фильмни яратишда жуда катта меҳнат қилишди. Фильм редактори ички хизмат генерали Х. Х. Яхёевдир.

Хуллас, ҳаваскорлар яратган бу ажойиб фильм ўзбек милициясининг босиб ўтган шонли йўли ва шу кундаги олиб бораётган хизматлари ҳақида ҳикоя қилади.

Н. ҚУНДУЗОВ.



Эрталабки почтадан

АРМОНСИЗ БЎЛАДИ

Т. Исҳоқовнинг «Тўйлар ва ўйлар» мақоласини ўқиб, мен ҳам ўз ўйларимни ёзмоқчиман.

Мақолада кўрсатилган фактлар, айтилган фикрлар тўғри. Уни ўқиган ҳар бир кишининг кўз олдига ўзи иштирок этган бирон тўй келади, албатта.

Ҳаммаси тўғри. Лекин нима қилса ана шундай ҳунук манзара рўй бермайди. Уларга қараш керак. Ҳаммаси ўзи ишлаб жуда қийин, чунки ҳар ким ё ўзи яқинда шундай тўй қилган, ё тўй қилиш арафасида туради. «Бор» бўлса яхши, кўнгилдагидай тўй қилар, лекин кўнгилдагидай тўйни қандай бўлишлигини бирор киши аниқ биладими?

«Йўқ» бўлсачи? Э шу замонда «йўқ» борми! Замон тўқинлик. Қаро-ҳавола қилиб бўлса ҳам тўй бошлаб юборади, ароққа зўр беради.

Икки ёш ўқишни битирди дейлик. Тўйга аталган озгина маблағ ҳам бор, лекин бу росмана тўй қилиш учун уруғ-аймоқ ҳам бўлмайди. Нима қилиш керак. Енгил-елпи тўй қилишса армон бўлади.

Яна шуни айтиш керакки, яхши тўй қилиш мақсадида осон пул топиш йўлига ўтиб, жиноят содир этаётганлар ҳам йўқ эмас. Мен тўйларни ҳозиргидан анча соддароқ ва енгилроқ бўлиши учун нима қилиш керак деган масалада қуйидаги фикримни айтмоқчиман.

Ҳозирги пайтда кўпгина маҳаллаларда тўйнинг ҳар хил шаклларини қўллашяпти. Лекин бири у, бири бу, деб, маълум бир фикрга келинган эмас. Кўпчилик янгича тўй усулида бош қотиряпти. Бу нарса тўйни қандай ўтказиш ҳақида астойдил ўйлаб кўриш кераклиги, ҳозир айни фурсати етгани ҳақида далолат беради. Шундай экан, мен таклиф қиламан, жамоатчилик асосида янгича тўй расм-қоидаларини ишлаб чиқиш комиссияси тузилса, унга элга танилган ҳурматли кексаларимиз ёки олимлардан бири раҳбарлик қилса. Комиссия ўзбек тўй-томошаларининг яхши хислатларини сақлаб қолгани ҳолда, тўйга айтилганларнинг ҳаммаси баравар ҳурсанд бўладиган, замонавий, чиройли, ҳар икки томон учун анча енгил бўлган тўй расм-қоидасини ишлаб чиқса.

Бу янгича расм-қоида жойларда қуйидагича амалга оширилса: шу газетада олдинги ёритилган мақолаларда айтилганидек тўй бошида маҳалла комиссияси аъзоларидан бири турса, унга тўй эгасининг яқин бир қариндоши ёрдамлашса.

Бунда биринчидан янгича расм-қоидалар амалга оширилиши таъминланади. Иккинчидан тўй эгаси бировдан қолдим, деб хижолат чекмайди, чунки қонда бир хил. Учинчидан — тўй тартибли ўтади, чунки бирон киши тўполон қилса, тўйбошининг сўзи ўтади, у маҳалла аҳолиси номидан иш қилади. Тўй эгаси эса тўполон қилган кишига ҳеч нарса деолмаган бўлур эди.

Р. АБДУЛХАСАНОВ.

• «Тошкент оқшоми» аҳоли хизматида

ОТАНИНГ АРЗИ

Умар ота Октябрь район 18-уй бошқармасига бу сафар ҳам эрталаб, барвақт келиб олди, зора қабул қилиб, аризни тингласа. То бошқарма бошлиги келгунча, ота билан суҳбатлашиб ўтирган эдик. У Чиғатой кўча, «Муҳокама» проездидаги 4-тупик, 15-уйда турар экан. Умар ота кекса бўлганлиги учун биринчи қаватдан жой олибди.

— Яхши-ку, зина ҳатлаб кўтарилмас экансиз, — десам, ота бошини сарак-сарак қилиб, нолий бошлади:

— Оҳ, оҳ, қаннидан қариганда тинч, роҳатда яшаётган бўлсам. Берган жойини ўтган йили қўли андава кўрмаган болалар суваб-суркаб «ремонт» қилиб кетган эди. Ҳозир кўрсанг, болам, ҳолимга ачинасан. Тагидан канализация ўтгани учун уйнинг поли зах, деворлари кўчиб ётибди. Ўзим ярим жон бўлсам. Куни билан совуққонгина, белим оғриб чиқади.

Шу пайт 18-уй бошқармасининг бошлиғи А. Будагян савлат тўкиб кириб келди. Кутувчилар суюнганларидан унга икки букилиб салом беришди. Лекин бошлиқ ҳеч кимни кўрмагандай ўз хонасига йўл олди. Қабулни кутувчилар навбатларини аниқлаб олишаётган ҳам эдики, Будагян коридор папкасини қўлтиқлаб хонасидан чиқди-кетди. Йўлакдагилар сўрашган эди, секретарь қиз бошлиқни райижрокомга чақиришганини, бугунги (яъни жума кунги қабул) душанбага қолдирилганлигини айтди.

— Ўша уйга боргани жоним безиллайди, — дея иккинчи группа инвалиди Умар ота Боймуҳамедов ҳассасига таянib зўрға чиқиб кетди. Бошқалар ҳам бекорга кутишдан не фойда деб ноилож тарқалишди.

Борди-ю, уй бошқармасида иш юритилиши билан танишсангиз, ҳаммаси ўлдароқ. Бошлиқнинг айтишича, секретарь ёш, баъзи ишларни чалкаштириб юборар эмиш.

Уйлари сифатсиз, қўлдан кетгунча қабилида, чала ремонт қилиниши натижасида кишилар ишларини ташлаб сарсон бўлишгани-бўлишган. Улар қатнашини қўймайди, булар ваъдасини. Умар ота каби кексаларнинг умри эса кўчада ўтяпти. Мана, фактлар: «Қизил тут» кўча, 2-тупик, 2-уйда яшовчи Е. Аристова деган аёл шу йилнинг март ойида уйни ремонт қилиб беришларини илтимос қилган. Аёл қатнайверганидан кейин инҳоят 5 ноябрда фақат уйнинг томини ремонт қилиб, қолганига ваъда беришди.

Ёки бошқа бир мисол: «Қизил тут» кўчасидаги 3-уйда турувчи М. Обидованинг уйи ёмон аҳволда эканлигини бошқарма техниги ўртоқ П. Клец яхши билади, лекин қимматга тушади деб ремонт қилиб бермайди, на унга янги уй беришмайди. Обидова бошқармага 7 августда мурожаат қилган. Шу чоққа қадар бирор натижага эришгани йўқ. 18-уй бошқармаси билан шаҳар турар жой бошқармаси ўртасида сарсон.

Техник П. Клец билан ёрдамчи техник П. Банников ўртоқлар бўлса бошлиқ А. Будагяннинг «сергайрат, кишиларга меҳрибон, тиниббтинчимас» эканлигини роса таърифлашади. Агар уларга қулоқ солсангиз, бошлиқ яхшиларнинг яхшиси-ю, шикоят билан келувчи Умар ота каби кекса кишилар «бехудага ғалва қилувчи киши».

Ноябрь ойидан бошлаб, уй бошқармасида талабномалар ёзиб қолдирилдиган дафтар тутила бошланди. Ўн кун ичида 9 та талабнома ёзилибди. Мана улардан айримлари: «Плаксин. Университет кўчаси, 1-уй. Аҳлат олиб кетилмайди», «Куфаева И. Н. Университет кўчаси, 371-уй, 26-квартира. Уй шипидан чакка ўтиб ётибди. Водопроводданмикин. Эҳтимол унутгандир Буниснни билмаймиз. 11.XI. 67 йил».

Шу Куфаева деган аёл орадан яна 12 кун ўтгач, уй бошқармасига бошқача арз билан келди: «Беш кечакундуздирки, хонамизда чирок ёнмайди, — деб ёзади у, — Уй бошқармасига келиб хабар қилганимизга қарамай, ҳеч қандай чора кўрилмаётир. 23. XI. 67 йил».

Бу қанақаси десак, ўртоқ П. Клец папирос тутатишдан бўшамай бамайлихотир:

— Монтёрлар шу уйларга яқин жойда яшашади. Уларга топшириқ берамиз, дарров тузатишади, — дейди.

Кишиларнинг уй-жойларини ремонт қилиш йиллик плани бошқарма бўйича 1 декабрга қадар атиги 42 процент бажарилди. Нега бундай бўлганига бошқармадагилар истаганингизча баҳона топиб беришади. 77 объектдан атиги учтаси тўла ремонт қилинганлигига нима дейсиз! Буни масъулиятсизликдан бўлак нима деб аташ мумкин.

18-уй бошқармасида ҳаммаси бўйича 31 киши ишлайди. Шундан атиги беш киши бевосита ремонт ишлари билан банд.

Яқинда уй бошқармасининг ишлари шаҳар ижроком уй-жой бошқармасининг инспекторлари томонидан ревизия қилинганда катта-катта камчиликлар очиб ташланди. Ишдаги аҳволни яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Лекин энг муҳими раҳбарликни яхшиламай туриб, аҳолига хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйиш мумкин эмас. Эл хизматида бўлиш масъулиятли иш. Унга шунчаки қарашга йўл қўйиб бўлмайди.

Ғ. КОМИЛОВ.

Ишонч ўқиши

ИЗ ҲАҚИДА АФСОНА

Фарғона водийсининг жанубий-шарқ томонида жойлашган Ўш шаҳрининг яқинида Тахти Сулаймон номли тоғ бор. Ривоятларга кўра бу тоғнинг устига Сулаймон пайғамбар дафн этилган эмиш. Шунинг учун кишилар йилнинг маълум кунларида ана шу тоққа келиб, унинг устидаги мозорга сиғинишади.

Тахти Сулаймон тоғининг ён бағирларида анчагина ўнқир-чўнқир жойлар бор. Дин пешволарининг гапича, бу ўнқир-чўнқирлар Сулаймон пайғамбар номоз ўқиётганида тушиб қолган тиза ўрни эмиш.

Бундан ташқари шу жойда жуда кўп ғорлар бор. Улар ҳақида ҳар турли афсоналар яратилган. Шу афсоналарнинг бирида айтилишича, Ўш шаҳрида катта бир эшон бўлар экан. У кофирлар билан бўлган бир ғазотда шикаст еб, Сулаймон тоғига яшириниб олибди. Кейин ғайри-табиий куч билан ўша тоғ ичидан йўл очилиб, эшон шу йўлдан Макка шаҳрига ўтиб кетган эмиш. Афсонада зикр этилган ўша йўл Қирғизистондаги ҳозирги Чилтонхона деган ғор бўлиб, «Маккага олиб борадиган» бу ғорнинг узунлиги бор-йўғи 90 метрга боради. Умуман, ғорлар тўғрисида тўқилган бунақанги афсоналарнинг сон-саноғи йўқ. Бунинг сабаби шуки, ғорлар қадим замонлардан буён авом кишилар назарида алланақандай тилсимотлар макони бўлиб қолган.

Бундан ташқари Тахти Сулаймон тоғининг ён бағрида бир кичик булоқ бор. Гўё унинг суви кўзга, бош, қўлоёқ оғриқларига даво экан. Булоқ суви текан жойнинг дарди дарров қолар ва кейинчалик бутунлай тузалиб кетар эмиш.


Тахти Сулаймон тоғидаги айниқса довруғи кетган нарса-бир силлиқ тошдир. Ана шу тошга қорнини уч марта суркаган фарзандсиз аёл албатта бола кўрар эмиш. Бу тошга аёллар қоринларини кўп суркай бергани учун ҳозир у ейилиб, жуда силлиқланиб кетган!

Албатта, бу ривоят ва таомиллар ҳам табиат ҳодисалари моҳиятини билмасликдан келиб чиққан. Шунинг учун табиатда ниманки ғалати туюлса, уни ғайри-табиий кучларга, авлиё ёки пайғамбарлар номига боғлайверганлар.

Тахти Сулаймон тоғи, асосан сувда осон эрувчи оҳактошлардан ташкил топган.

Тахти Сулаймон тоғининг ён бағриларидаги ўнқир-чўнқирлар «сири»га келсак, улар турган гапки, тизза ўрни эмас, балки табиат ҳодисалари натижасида вужудга келган. Тахти Сулаймон тоғидан чиққан булоқ сувининг шифобахшлиги ҳақида шуни айтиш мумкин. Бу булоқ сувининг таркибида турли химиявий моддалар бор. Худди шу моддалари туфайли булоқ суви дардмандлар касалининг тузалишига ёрдам бериши, шу билан бирга зўр ихлос билан келган дардманларга руҳий шифобахш таъсир этиши мумкин.

М. МАМАТҚУЛОВ,
геология ва минералогия фанлари кандидати



ҚЎЛИ ГУЛ ЧЕВАР ЛАР.

М. Миржалолов фотоси.

• Эркаклар ўқимасин

ВИТА ЖИЛИНСКАЙТЕ

ФАРИШТА

Бечора хотинлар! Уларга қандай-қандай айбларни тақашмайди, дейсиз. Шубҳа қилишда, тирноқ остидан кир қидиришда, жуда бўлмаганда қўполликда айблашади.

Мана, рўпарангизда фариштадек аёл турибди. Кўпчилик эркаклар шунақа хотинларни орзу қилади.

(Биринчи кўриниш. Эр-хотин ишдан келишди).

Хотини: — Жоним, дарров боғчага чиқа қол: Сенга деб арғимчоқ осиб қўйдим. Роса ҳолдан тойгандирсан: Етти соат столда ўтиришни ҳазил деб бўладими! Арғимчоғингни тебратиб турмаганим учун аччиғланма. Ҳозир ўзинг яхши кўрадиган сомса пиширибберaман... Нима? Газет олишни унутибсанми? Жонгинам, ғизиллаб ўзим киоскадан келтириб бераколай. Овқатдан кейин, қўзичоғим, кинога бориб кел. Арғимчоқ олганим соз иш бўлибдими? Учоқ бошига бора қолай, ғашинга тегмасам, бўлди. Вой кўзларимнинг нурғинаси-е!

(Иккинчи кўриниш. Эр эрталаб номаълум томондан қайтиб келади).

Хотин: — Жуда ақлли, фаросатлисан-да, қайтиб келганингни қара! Қўй! Айтмай қўяқол. Қаерда бўлганингни сўрамаяпман. Бу сенинг шахсий ишинг. Агар рози бўлсанг, ёқангга илашган сариқ соч толасини олиб ташлай. Жуда ҳам чарчаган кўринасан! Котлетингни иситиб берайми? Мижжа қоқиб оласанми? Мен пашшаларингни қўриб ўтираман... Нега эски галстукни тақасан? Янгисини тақиш керак эди. Аёллар орасига борганингда қиличдай кийиниб бормайсанми? Энди ухлай қол! Қани кўзларингни юм-чи, жонгинам...

(Учинчи кўриниш. Эр сармаст келади).

Хотин: — Кўзларимнинг қароси, ҳайрият, адашмасдан уйни топиб келибсан-а. Тавба, жонгинамнинг енгларини ким йиртди экан-а? Орқаларига ким оҳак суртибди-я Безорилар! Ўзим тозалаб бераман. Жонгинам, нега тик турибсан? Дарров ўтира қол, мана буёққа, ёстиқнинг устига ўтир, Ҳа, шундай. Жуда рангингни олдириб қўйибсан, нимага хиққоғинг тутаяпти? Бодринг берайми? Ё кўнглинг қатиқ тусаяптими? Жонгинам, қани бир ўпиб қўяй. Афтидан яна ароқ ичган кўринасан? Яна ичинг келса, албатта, менга шипшитиб қўй. Мен пулингни кўпроқ бераман. Коньяк ичасан, бошинг оғримайди. Ана, гастроном ҳам очилиб қолди. Мен ғириллаб бориб сенга қиттак олиб келиб берай: Кеттим, ҳозир келаман...

М. Абдувоҳид таржимаси.

В. СМРЖОВА

Унумли маълумот

Эркаклар — ҳали батамом ўрганиб чиқилмаган мавжудот. Шунга қарамай, улар бизнинг тилимизда сўзлашишади, янъи она тилимизда, аммо биз аёлларни кўпинча тушунишмайди. Аксарият эркаклар орқа умуртқалилар туркумига киради, аммо улар орасида умуртқаси йўқлари ҳам учраб туради.

Баъзи бир камчиликларини ҳисобга олмаганда, улар жуда фойдали нарса. Аксарият ўта марҳаматли, мулойим; гаҳ десанг қўлингга қўнадиган бўладилар. Шунинг учун ҳам хотинлар уларни яхши кўришади-да!

НОДИР СОАТЛАР МАФТУНКОРИ



Бу квартиранинг ҳаммаёғидан музика таралиб турадн: Вильгельм Телеъ Россини куйи асосида олмага ёй отади, темирчи «Трубадур»даги лўлилар хори ҳамроҳлигида болғасини тақиллатади, венгер гусарлари рақсга тушадилар, Ранг-баранг миноралар ва қалъаларнинг деворларида митти соатлар тиқиллаб туради. Ҳаммаёқни соат босиб кетган. Мезбон механика инженери, доктор Янош Кальмен коллекция ишига шўнғиш учун бир неча йил муқаддам Будапештдаги политехника институти билан хайрлашди. У соатларнинг чечани бўлди: Утган асрларнинг дурдоналарини тўплади.

* * *

— Мен илгари соатларни шунчаки ҳангома учун тўплардим, кейинчалик эса ўтган кунларнинг манзарасини акс эттирувчи соатларни йиға бошладим. Биринчи навбатда гардишли соатларга қизиқдим. Улар ўз тузилишига кўра ўткир дид билан яратилган-ки, саноат тарихида эстетика бошланганлигини билдиради. Ҳозирги пайтда соат кундалик юмушда керак. Илгари эса уйларни, либосларни безаш вазифасини ўтаган. Заргарлар соатларга олтин ва кумуш кўз қадашган. Бойваччалар уларнинг пули билан ҳисоблашмаган.

Биласизми, ҳозир ҳеч ким минорали соатларни ёқтирмайди. Илгари эса баланд миноаларга ўрнатилган. Гап шундаки, минорали соатлар шундан келиб чиққан. Улар 1550 йилларда пайдо бўлган.

* * *

Соатлардан бири чоранни, бир яримни кўрсатса айримлари французча рақсга тушади, Мезбон бир он жим бўлади-да, уларга қулоқ солиб, кейин жилмайиб қўяди. Ҳамма соатлар вақтни турлича кўрсатади. Буёғи қандай бўлди.

— Агар ҳамма соат бараварига юриб бир вақтни кўрсатганда мошҳўрда бўлиб кетардик; ўшанда бирортасининг овозини эшитолмай қолардим. Бундай усулда ҳаммасига ўз вақтида «муомала» қилаоламан.

— Эртаю-кеч бу овозлар жиғингизга тегмайдими?

— Эшикдан келган бегона одамга шундай туюлади. Мен бўлсам, ўрганиб қолганман улардан ором оламан. Бирортаси ётиб қолса «ташвиш»га тушаман. Ушанда уни олиб қисмларга ажратиб «ювиб-тарайман», хуллас даволайман.

Колленционер жавонларда турна қатор турган хилма-хил соатларни кўрсатиб:


— Мана бу бўлса шкаф қиёфасида. Ун еттинчи асрнинг ўрталарида Англияда шаклланган.





«бошидан» кечирганлари ҳам борми?

— Марҳамат, мана энг кенсалари, тахминан 1750 йилларда Австрия—Пруссия уруши вақтида бир офицернинг



айланади. Айланадиган қопқоғи орқасига митти лампалар, ёки шамлар ўрнатилган. Ёруғ сутдек ойнадан таралиб туради. Булари бўлса Ле Роа соатларидир. Жуда яхши кўраман. XVIII аср бошларида машҳур бўлган француз устаси ясаган. Уларни Турция буюртмасига биноан Ле Роа устахонасида бу соатларнинг циферблати соф олтин ва чинни билан безакланган.

— Кўп воқеаларни халтасида юрган, кейин французлар қўлига тушиб қолган, Наполеон юришида Россиягача борган. Ҳатто биринчи жаҳон урушининг фронтларида ҳам бўлган. Ҳозир ҳам тинимсиз юриб турибди.

Уз ишининг устаси ардоқлайдиган бу соатларнинг ҳар бирининг тарихи бор.

«Венгерские новости» журналидан.

Ҳар тўғрида

Мушук билан илон

Бу воқеа фақат кичик Арилда шаҳригагина эмас, балки бутун Югославияга тарқалди. Воқеанинг қаҳрамони оддий мушук.

Мушукнинг хўжайини—мактаб ўқитувчиси Стана Драговия уйда ёлғиз қолиб боққа чиқиб дарс тайёрлай бошлайди. Мушук эса ҳар вақтдагидек унинг оёғи остида ўралашди. Лекин бирдан у безовталаниб, пишқира бошлайди. Қиз уни тинчитишга ҳаракат қилади. Кейин ҳайдайди. Мушук эса зарб билан стол устига чиқиб, дарахтга сапчийди. Қиз тепага қараб, қўрқувдан қотиб қолади. Узум барглари орасида катта заҳарли илон қизга қараб турганди.

Мушук илонга ташланиб, якпама-якпа курашга ўтди. Қизнинг қичқиришига югуриб келган қўшниларнинг ҳеч бири мушукка ёрдам беришга журъат қилолмади. Мушук бир метрли илон билан ерга ағдарилиб тушди. Ниҳоят, мушук илонни бўйнидан ғажиб ташлашга муваффақ бўлади.

ОТНИНГ ҚОБИЛИЯТИ

Рус врачларидан бири узоқ вақт давомида ҳайвонларнинг ақлий қобилиятини текшириш устида иш олиб борди. Натижада у бошқа ҳайвонларга нисбатан отнинг санаш қобилияти юқорилигини аниқлади.

Маълум бўлишича, тўтиқуш 6 гача, қарға 10 гача, баъзи кучуклар 20 гача санаш қобилиятига эга эканлар. От ундан ҳам ошиқ санаб олар экан. Масалан: от ер ҳайдаётган пайтида тажриба учун уни 20-этажда тўхташга ўргатишган. Кейин эса отнинг ўзи мана шу этажда тўхтайверган.

Бошқа бир от эса йўл четига ўрнатилган устуннарнинг 15 ёки 25-сида тўхташга ўргатилган ва шу ерга келганида мукофот учун пичан берилган. Шундан кейин от ҳеч янглишмасдан устуннинг 15 ёки 25-сида тўхтайберган.

ЮМОР

СЕЗГИР ОФИЦИАНТ

— Официант, менга бир шиша коньяк билан закуска келтиринг! Дунёнинг икир-чикирларини унутсам, дейман.

— Ундай бўлса, пулини ҳозироқ бериб қўйинг.

УҚИДИМ

— Командировка д а иш узоқроққа чўзилиб кетадиган бўлса ўзингга хат ёзиб юбораман,—деди эри хотинига.

— Ёзиб овора бўлма. Мен ўша хатингни ўқидим. Чап чўнтагингда экан.

ЭНГ ҚИММАТЛИ МИНУТЛАР

— Менинг турмушдаги энг қимматли минутларим театр билан боғланган.

—Театрга жуфт борасизларми?

— Ўзим борган эмасман. Хотиним боради.

РАССОМ табассуми



Сўзсиз сурат.



Янги квартирада лойиҳачининг биринчи тушки овқати.



Қани ростини айтчи, шунча нитобларинг нимага қиласан?

— Овозни тўсиб қолиш учун.

Рассом А. ХОЛИҚОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Палов ошга гуручни ювиб, қозонга солишдан олдин, қайнаб турган сабзининг тагини бир кўтариб қўйинг, оловни яхшилаб ёқиб, сўнгра гуруч солинг, акс ҳолда гуруч увиб қолади.

* * *

Гуручни икки кафт орасига олиб асталик билан бир неча марта ишқаб ювиш керак. Гуруч қаттиқ ишқаб ювилса майдаланиб кетиши ва палов ланж бўлиб қолиши мумкин.

* * *

Ювилган гуручни сувли қилиб солманг, паловнинг тагига олиши шундан ҳам бўлади.

„МЕНИ МАСХАРАБОЗ ДЕЙИШАДИ“

Радж Капурнинг янги фильми

1954 йили кузда иттифоқимизнинг кино томошабинлари «Авара хун» («Дайди») деб куйлайдиган хуштабиат, дайди — ёш ҳинд йигити билан танишдилар. Ўшандан бери СССРдаги томошабинлар дайди ролини ўйнаган талантли артистнинг мухлиси бўлиб қолишди. Кўпчилик бизда уни севиб «Иван Капур» дейди.

«Иван Капур»га Москвада, Владивостокда, Арктика музликларида, қадимги Бухорода, мамлакатимизнинг чор бурчагида тақлид қила бошладилар. Болалар эса дайди қўшиғини ҳинд тилида айтиб юра бошлашди. Хуллас, Совет халқи Радж Капурни дилдан севиб қолди. Артист ҳам ўз навбатида бизнинг халқимизга меҳр қўйди. Бир куни у менга «Мен ғалати бўлиб қоляпман. Бутун халқни бараварига севиб қолдим», деди.

1954 йилдан бошлаб Радж Капур иштирок этган кўпгина фильмлар Совет Иттифоқи экранларида қўйила бошланди. Артистнинг ўзи ҳам бу мамлакатга олти-етти бор борнб келди, У кўп жойларда бўлиб, жуда кўп олқишларга дуч келди. 1954 йили Грузияда бўлганида у тўхтаган меҳмонхона атрофига эллик минг одам йиғилди. Севган қаҳрамонлари «дайди»ни кўрмасдан ҳеч қаёққа кетмасликларини айтишди, улар.

Бу йил эса Капур Совет Иттифоқига икки бор борди. Биринчисида Халқаро кинофестивалда иштирок этиб, ўзининг «Учинчи қасам» деган фильмини намойиш қилди. Сўнгра Совет Иттифоқида кенг нишонланган Ҳиндистон озодлиги кунининг йигирма йиллиги байрамида қатнашди.

Москвада эса Радж Капур бундан икки йил муқаддам пойдеворига ўзи ғишт қўйиб кетган турар-жой биносида бўлди. Бу уйда истиқомат қилаётган оддий ишчиларнинг онлалари артистда зўр таассурот қолдирди.

Ҳозир Радж Капур «Мени масхарабоз дейдилар» фильми устида иш олиб борянти. Бу фильмда бутун ҳаёти фожиали ўтган, омадсиз бир одамнинг ўз ҳаётини болаларни хурсанд қилишга бағишлагани ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмда комедия, цирк, театр, музика, танца, балетларни томоша қилиш мумкин. Масхарабоз билан цирк артисти — рус қизи ўртасидаги севги фильмдаги муҳим воқеалардан биридир. Воқеа охирида масхарабоз жасадини қуршаган одамлар хохолаб кулаётган бўлишади. Бутун умрини шу одамларни кулдиришга бағишлаган бир инсоннинг чинакамига ўлиб ётганини билишмайди.

Радж Капур студияси «Мени масхарабоз дейдилар» фильмида иштирок этиш учун ёш актриса ва Совет цирк артистлари труппасини таклиф қилиб, СССР маданият министрлиги билан келишиб оляпти. Ҳозирча кимда ким иштирок этиши ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. Чунки биз танлаган қиз фильмда қатнашишга розилик берганича йўқ. Лекин албатта розилик беради, деб умид қиламан.

Шундай қилиб, «Уч денгиз оша» Совет ҳинд фильмида Афанасий Никитиннинг Чампе исмли ҳинд қизига ошиқ бўлиб қолиши акс эттирилган бўлса, энди эса ҳинд масхарабозининг ажойиб рус гимнастикачи қизига ошиқ бўлиб қолиши акс эттирилади.

Радж Капур айтганидек, «Севгига севги билангина жавоб бериш мумкин».

Аҳмад АББОС.
Ҳинд ёзувчиси (АПН)

Табиат оламида

ЛАЙЛАКЛАР УЧГАНДА УҲЛАЙДИ

Орнитологлар, лайлаклар ҳар йили қитъа ва океанлар оша учиш давомида кўч-қувватларини тежаши ҳақида қизиқарли маълумотларни аниқладилар. Қушлар учиш олдидан яхши ҳордиқ чиқариш ва уҳлаб олишга улгира олмайди. Чунки бир неча ҳафта олдин йўл ҳаражони босади, изтироб чекиб, ҳатто орирликларини ҳам янча йўқотади. Йўлдаги тўхташлар ниҳоятда қисқалиги сабабли, улар яхши дам ололмайдилар. Шунинг учун лайлаклар учишни тўхтатмай уҳлайдилар.

Бу қандай аниқланди? Лайлакларнинг кўкрагига сезгир асбоблар ўрнатишга деярлик яқин вақтларда муяссар бўлинди. Мазкур асбоблар лайлакларнинг учиш вақтида уҳлашини кўрсатди. Учаётган лайлаклар билан бардам қушлар қон айланишининг осмон билан ерча фарқи борлиги аввалдан маълум эди. Лекин бўйин, оёқ ҳолатининг ўзгаришлари, узоқ учиш давомида қанотларнинг гоҳ тез, гоҳ аста ҳаракатини илгари билмас эдик.

Хўш, қушлар уйқу дамларида қандай қилиб йўналишини йўқотмайди ва ўзиникилардан ажралиб қолмайди? Уч лайлак бутун мосфани митти магнитофон билан учиб ўтди. Парвоз вақтида қуш қўзини юмиш билан табиий эшитиш туйғусининг ўткирлашиши аниқланди. «Ўхлаш ҳонаси» карвон ўртасига жойлашар экан. Олди ва орқа қанотлардан мудроқ босган лайлакларга Морзе ҳарфини эслатувчи чертки — қисқа овозли ҳабарлар келиб туради. Бу ҳабарлар йўналиш ва баландликни аниқлаш билан биргаликда, қуш қанотларининг ҳаракатини ҳам белгилайди.

Ўн минутлик уйқу куч тўплашга етади. Дам олган қушлар ғаланинг боши ва думидан ўрин олади. Ҳолдан тойганлари эса «дам олиш уйи»га жўнайди. Ғаланинг ўртасида уларнинг қандай ҳолатда уйқуга кетишлари об-ҳавога, учиш олдидан сўнгги ойлардаги яшаш шароити ва овқатланишига ҳам боғлиқ бўлади. Биринчи тўрт кунда йўлдаги қисқа тўхташларда, улар жуда оз овқатланади. Лекин кейинчалик иштаҳа ўнгланади. Учишнинг 20-27 кунлари айниқса қийин давр—толиққанлик ниҳоясига етган бўлади. Кейин «иккинчи нафас олиш» етиб келади ва учиш эсон-омон тугалланади.



МЕН ҲАМ ОКТЯБРЯТ БЎЛАМАН!

Т. Каримов фотоси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3БЕТ

16 ДЕКАБРЬ, 1967 Й.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

РАДИОДА

16

ДЕКАБРДА
ШАНБА

Биринчи

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Спорт эшиттириши (русча).
18.40 **Чолғу куйлари.**
19.20 **Дам олиш концерти.**
20.00 «ДУГОНАЛАР» радиожурнали (ўзбекча).
21.15 **Пахтакорларнинг талабларига мувофиқ концерт.**
22.10 «ОЛТИН ВОДИЙ» деган музикали-адабий радиокомпозиция.
23.10 **Байрам эстрада концерти.**

Иккинчи

19.00 М. Горький туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. ГОРЬКИЙ ҲИКОЯЛАРИ (ўзбекча).
19.30 Композитор Лепин куйлари.
20.10 «Юбилей хирмонига» деган музикали эшиттириш (русча).
21.00 «Пахта байрами» байрам концерти (тожикча).
21.30 І. Ахтемовнинг «Юбилей йили пахтаси» деган очерки. 2. Концерт (татарча).

РАДИОДА

17

ДЕКАБРДА
ЯКШАНБА

Биринчи

7.45 **«Оила ва мактаб»** циклидан эшиттириш (ўзбекча).
8.25 **«Дала меҳнаткашлари, сизлар учун»** деган концерт.
9.30 ҚУВНОҚ КУЙЛАР.
9.50 **«Пахта байрами»** деган эшиттириш (тожикча).
10.30 **Шарқ куйлари.**
11.15 «ТАБАССУМ» радиожурнали.
12.15 «Эрталабки салом» (Москва).
13.00 **Чорвадорлар учун концерт.**
13.30 Г. Великанова, Т. Миансарова, И. Кобзон, Э. Хиль ижросида қўшиқлар.
15.00 Экран янгиликлари (русча).
15.10 **Янги ёзиб олинган асарлар** (ўзбекча).
18.00 «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси.
18.40 Қозоқ куйлари.
19.20 «Заигори нема» капитанларининг талабларига мувофиқ концерт.
20.00 **Катта байрам концерти.**
21.20 ЛИРИКА КЕЧАСИ.
22.00 **«Дунё харитаси олдида»** деган эшиттириш (ўзбекча).
22.10 «ТАБАССУМ» радиожурнали. Такрорий эшиттириш.
23.10 **Дам олиш концерти.**

Иккинчи

8.25 Совет композиторларининг қўшиқ ва куйлари.
19.00 «Қувноқ дўстлар ҳузурида» деган музикали эшиттириш.
20.00 «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва).
21.00 Дам олиш концерти (тожикча).
21.30 Эстрада ансамбларининг концерти.

Учинчи

14.00 И. Дунаевский. «ОҚ АКАЦИЯ» операттасининг монтажи.

РАДИОДА

18

ДЕКАБРДА
ДУШАНБА

Биринчи

8.25 **Ўзбек халқ куйлари.**
9.15 **Ўзбекистон хотин-қизлари съезди олдидан.** «ХАЛҚНИНГ ШОНЛИ ҚИЗЛАРИ» деган эшиттириш (ўзбекча).
9.30 **Чолғу куйлари.**
9.50 **«Ильич номидаги зарбдор вахтада»** деган репортаж (тожикча).
10.10 Рус куйларидан концерт.
10.30 Ўзбекистон композиторларининг симфоник куйлари.
11.15 **«Социалистик революциянинг муҳим узвий қисмлари»** деган суҳбат (ўзбекча).
12.15 **Республика санъат устаталарининг концерти.**
12.50 **«Копра чироқлари».** Қозоғистон радиосининг эшиттириши (ўзбекча).
13.30 Куйлардан куйларга.
17.00 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси.
18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 А. Уль. Юбилей квартети.
18.40 **Шу кунниг қўшиқлари.**
19.20 С. Нагаевнинг «Севилия» деган очерки ва концерт (татарча).
20.00 «Қишлоқ халқ университетлари янги ўқув йилида» деган суҳбат (русча).
20.10 **«Қадрли хотин-қизлар, сизлар учун»** деган концерт.
20.45 **«Меҳнат унумдорлиги — асосий масала»** деган эшиттириш (ўзбекча).
21.00 **Ўзбекистон хотин-қизлари съезди делегатларининг талабларига мувофиқ концерт.**
21.45 **Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз** (ўзбекча).
21.50 **«Дунё воқеалари»** (ўзбекча).
22.15 **Енгил куйлар.**
22.40 «ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ». М. Аҳмедовнинг **«Биринчи қалдирғоч»** деган очерки (ўзбекча).
23.20 **Севги ҳақида қўшиқлар.**

Иккинчи

7.15 Қурувчилар учун концерт.
8.25 А. Новиков ва А. Фляровский қўшиқлари.
9.15 Эълонлар бюросининг материаллари.
19.00 Д. Соатқулов. **«Фарғона квартети».**
19.30 «Ёш овозлар» (русча).
20.10 **Кинофильмлардан қўшиқлар.**
20.45 Медицина фанлари кандидати И. Раскиннинг «Ҳаёт мезони» деган суҳбати (русча).
21.00 С. Абдуқаҳҳорнинг **«Жумбоқ»** деган ҳикояси (тожикча)
21.30 Москва. Миллионлар ленинча университети.

Учинчи

14.00 Ҳамза. «Майсаранинг иши» операсининг монтажи (русча).
16.00 «НУРХОН» музикали драмасининг монтажи.

КОНТРРЕВОЛЮЦИЯ ВА ИСЕНГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА УМУМРОССИЯ ФАВҚУЛОДДА КОМИССИЯ ТУЗИЛГАН КУННИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «ҚАҲРАМОНЛИК ВА ЖАСОРАТ КИШИЛАРИ»

КИНОФЕСТИВАЛИ

ТОМОША ҚИЛИНГ



«ПОРТЛАТИЛГАН ДЎЗАХ».



«ЭЛЧИЛАР ФИТНАСИ».



«МУРОСАСИЗ ЎИИН».



«УЛАРНИ КЎРГАНДА ТАНИРДИЛАР».

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАРГА

ТЕЛЕВИЗОРДА

16

ДЕКАБРДА
ШАНБА

Биринчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
18.25 Телевизион янгиликлар.
18.40 Рассомлар **«Пахта байрами ҳақида».**
19.10 ПАХТА БАЙРАМИ.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.30 **Ярим аср йилномаси.** «1958 ЙИЛ». Кўп сериали телевизион ҳужжатли фильм.
21.20 «Новости дня» киножурнали.
21.30 Интервидение. Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.
00.30 Москвадаги II Бутуниттифоқ телефильмлар фестивалининг якунловчи кечаси.
02.30 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

МОСКВА КЎРСАТАДИ
18.30 Телевизион янгиликлар.
19.00 **«Земловалик Давидов».**
19.30 Киносаёҳатчилар клуби.
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
20.30 КОНЦЕРТ.
21.10 «ҚУШИҚ ҚАНОТЛАРИ». Бадиий фильм.

Учинчи

18.00 ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

ТЕЛЕВИЗОРДА

17

ДЕКАБРДА
ЯКШАНБА

Биринчи

Рус тилида:
10.55 Эшиттиришлар программаси.
11.00 **«Уйча».** Болалар учун мультфильм.
11.25 Пионервожатийларнинг сиртқи мактаби.
11.55 **«Олтин қалб».** Телеспектакль.
Ўзбек тилида:
13.15 Ўқувчилар учун. **«Мардлик билан учрашув».**
13.45 «ЗАНГОРИ КЎРФАЗ КАПИТАНЛАРИ». Бадиий фильм.
16.55 Эшиттиришлар программаси.
17.00 Рус тилида телевизион янгиликлар.
17.15 «Сеҳрли сандиқ». Болалар учун мультфильм.
17.25 «Пионерлар прожектори».
17.50 «...Ойнадан ўпкалама». Телефильм.
18.10 **Ўзбек куйларидан концерт.**
18.40 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. **«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».**
19.40 Телевизион янгиликлар.
19.55 ПАХТА БАЙРАМИ.
Рус тилида:
20.55 **Хотин-қизлар съезди олдидан.** «АЕЛЛАР». Бадиий фильм.

Иккинчи

11.00 **Ўқув эшиттиришлари программаси.** Студентлар учун. Олий математика ўзбек ва рус тилларида.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
13.00 «Будильник».
13.30 Ўқувчилар учун. «Планета ва юлдузлар бўйлаб».
14.30 Интервидение. «Ленинграднинг хушманзара жойлари».
15.00 Интервидение. Ўқувчилар учун эшиттириш.
16.05 Интервидение. **«Дўстлик экрани».**
17.00 **Рангли телевидение эшиттиришлари программаси.**
18.30 Трактор заводи маданият уйи рақс коллективининг концерти.
19.00 Музикали киоска.
19.30 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун концерт.
20.20 Новеллалар телевизион театри. Т. Гарди. **«Уч номаълум».**
20.50 Интервидение. Шевченко номидаги Киев опера театри солистларининг концерти.
21.30 Фигурали учиш бўйича халқаро учрашувлар.
23.00 Телевизион янгиликлар.
23.45 БАДИИЙ ФИЛЬМ.
01.00 Интервидение. **«Хайрли кеч, қўшиғи».**
01.45 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

18.00 ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

ТЕЛЕВИЗОРДА

18

ДЕКАБРДА
ДУШАНБА

Биринчи

17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Ўзбек тилида болалар учун «ОНАЖОНЛАР» деган эшиттириш.
18.20 Совет Армияси жангчилари учун. **«Солдат мактублари».**
18.40 «ЕРҚИН ҲАЁТ». Ўзбекистон хотин-қизларининг IV съездига бағишланган телевизион журналнинг махсус сони.
20.00 **Грек халқ музикаси оркестрининг гастроллари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 16/XII да **Қирқ қиз** 17/XII да **Евгений Онегин** (эрталаб), **Дилором** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/XII да **Ўғил уйлантириш,** 17/XII да **Гавҳари шамчироғ.**

«ТАШЗАГОТПЛОДООВОЩТОРГ»га

механиклар, совутиш қурилмалари машинистлари ва слесарлар

КЕРАК

шунингдек совутиш қурилмалари машинисти касбига ўқитиш учун курслар ташкил қилинади.

Ўқиш муддати — 3 ой.

Ўқувчиларга стипендия тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 132-уй, кадрлар бўлими.

Свердлов номли концерт залидан Микис Теодоракис қўйларидан концерт олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.
22.00 Телевизион театр. Д. Фурманов. «ИСЁН» (ўзбек тилида).

Иккинчи

Ўзбек тилида:
18.00 **Ўқув эшиттиришлари программаси.** Ўқувчилар учун. Химия. **«Инерт газларининг табиий группаси».**
18.30 **Студентлар учун.** Физикадан машғулот.
19.00 **Студентлар учун.** Назарий механика.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.25 Эшиттиришлар программаси.
20.30 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун эшиттириш.
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.10 «Музей ва виставка залларини бўйлаб».
21.30 **Марксизм-ленинизм мактаби асослари тингловчилари учун.** «Реакция ва янги революцион кўтарилиш йилларида партиянинг роли».
22.00 **Фигурали учиш бўйича халқаро учрашувлар.** Танаффус вақтида «Голлар, очколар, секундлар».
23.30 Телевизион янгиликлар.
24.00 И. Кузнецов. **«Графиня Ланская совраси».** Телеспектакль премьераси.
01.20 Музикали маяк.
01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ
Қирғиз тилида:
18.00 Телевизион янгиликлар.
18.15 «26 БОКУ КОМИССАРЛАРИ». Бадиий фильм.
20.00 **«Бизнинг юбилярлар».**
20.30 Эшиттиришлар программаси.
Рус тилида:
20.35 Телевизион янгиликлар.
20.50 Музикали эфир.
21.10 **ВЧК нинг 50 йиллиги олдидан.** «КЎРИНМАС ФРОНТ СОЛДАТЛАРИ».

Кино театрларда

16 ва 17 ДЕКАБРДА

Тергов давом этади — «УЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Минг минглаб дераза лар — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 12, кеч 6 да).
Кейин тинчлик бўлади — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).
Маҳкум этилганлар учун — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).
Жин — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

УЗБЕКИСТОН ССР ГОСПЛАНИНИНГ ИНФОРМАЦИЯ ВА ПРОПАГАНДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИга

малакали редактор (илмий, техника адабиётлари редакторлиги бўйича тажрибага эга бўлган), патентли иш тажрибасига эга бўлган инженерлар, малакали машинистка, секретарь стенографистка, курьер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Глинка кўчаси, 3-а уй, 5-қават.

1967 йил 30 декабрда
ВОРОНЕЖ ШАҲРИДА
1966 йилда чиқарилган 3%ЛИ
Давлат ички ютуқлар заёмининг
12-ЮТУҚЛАР
ТИРАЖИ УТКАЗИЛАДИ
Тиражда 40 сўмдан 5000 сўмгача ютуқ ўйнайди.
Заём облигацияларини сотиб олингиз!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВТОРСИРЬЕ КОНТОРАСИГА
бош бухгалтер
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 36-уй.

1967 йил, 26 декабрь кундуз соат 2 да, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бериш бирлашган илмий совет мажлисида (Педагогическая кўчаси, 103-уй, 61-аудитория) педагогика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун
О. Розиқов: «Она тили дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ишлари» деган темада.
К. Т. Тургунов: «Кўп станокли йигирувчилар меҳнатининг психологик анализи (пахта йигируви)» деган темада
ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР
Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

«РЕМТОЧМЕХ» КОМБИНАТИ
Туркман бозорининг маиший хизмат шаҳарчасида механик ва электр ўстаралари, шунингдек фотовспишкаларни ремонт қилиш учун
МАХСУС УСТАХОНА ОЧДИ
Буюртмалар дарҳол буюртмачининг кўз ўнгида бажарилади, шарикли ручкалар сиёҳ пастаси билан тўлдириб берилади ҳамда заргарлик буюмлари ремонт қилинади ва тайёрлаб берилади.
Чилонзор массивидаги савдо марказида механик ва электр ўстаралари гарантияли ремонт қилинади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Совет циркининг ўстаси
«МАЙДОНДА МОСКВАЛИКЛАР» КОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ
Программада: Олег СОКОЛ раҳбарлигидаги «РОБОТ» радиомеханик одам иштирокида СССРда битта бўлган электрон-иллюзия аттракциони, Запашних оиласи иштирокида от акробатик аттракциони, РСФСР да хизмат кўрсатган артист М. Николаев раҳбарлигидаги турник гимнастлари ва ҳар хил цирк номерлари программаси.
Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

«ШАРҚ» МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОМБИНАТИ
янги йил совғаларини етказиб бериш учун
ДАСТЛАБКИ АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА КИРИШДИ
Аризаларни «Шарқ» маиший хизмат кўрсатиш комбинати диспетчер пунктининг қўйидаги адреслардан бирига топшириш мумкин:
Тошкент шаҳар, **Фигельский кўчаси, 9-уй;**
Глинка кўчаси, 5-уй, маиший хизмат кўрсатиш бюроси;
Туркман бозоридаги маиший хизмат шаҳарчаси.
Телефонлар: Е-6-29-76, 5-23-49, В-3-92-68.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
20 декабрда
Ўзбекистон ва Туркманистон ССР халқ артисти
Комилжон ОТАНИЁЗОВ иштирокида
(туғилган кунининг 50 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 35 йиллигига бағишланган)
ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ
ҚОНЦЕРТЛАРИ
Концертда Олмахон Ҳайитова, Шариф Султонов, Гулчеҳра Исмоилова, Ражаб Исмоилов ва бошқалар қатнашади.
Концерт кеч соат 8 да бошланади.
Концерт зали кассаси кундуз соат 2 дан, район кассалари эрталаб 11 дан очиқ.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ 4 БЕТ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ. Коммутатор — В3-02-49 дан; В3-02-58 гача, редактор ўринбосарлари — В3-29-33; В3-29-09; масъул секретарлар — В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — В3-27-03; адабиет санъат ва маданият бўлими — В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — В3-27-57; ахборот бўлими — В3-65-57; эълонлар бўлими — В3-81-42.

16 ДЕКАБРЬ, 1967 Й. Р. 06990 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Вашр. № 3083.